



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil " 5 " may \_\_\_\_\_ K-403 -son

Termiz sh.

**Сариосиё тумани Г.Хидиров массиви  
худудидан "HALAL NATURE FISH" МЧЖга  
балиқчиликни ташкил этиш учун ер майдони  
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Балиқчилик тармоғини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 06 ноябрдаги ПҚ-4005-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 30 апрелдаги 05-02/363-сон йиғилиш баёни, Сариосиё тумани ҳокимининг 2021 йил 07 апрелдаги 01-20/252-сон хатини инобатга олиб,

**Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н:**

1. Сариосиё тумани Г.Хидиров массиви худудидан "HALAL NATURE FISH" МЧЖга туман ҳокимлиги заҳирасидан қишлоқ хўжалик харитасининг 1к ва 8қ-дала контурларидаги жами 8,0 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони балиқчиликни ташкил этиш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов